

## ДОРИВОР ЎСИМЛИК

## Розияхон Пўлатова

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Қадимий Шарқ қўллётмаларида таъкидланишича чой ўсимлиги бундан қарийиб 4-4,5минг йил аввал Хитойда ўсган. У пайтда чой хоқонларининг тор доирасида доривор ичимлик ёки ошкўқ сифатида истеъмол қилинган холос. Милоднинг 4-асрига келиб чой хитойлик баъзи бир улдабирон дехқонлар томонидан экилиб, маданийлаштирила бошланган. Шу тариқа чой турли амалдор ва задогонларнинг севимли ичимлигига айланади/ Орадан вақтлар ўтиб қўшни давлатлар хусусан Япония ва Кореяда ҳам ичимлик сифатида тарқалади. Ўрта Осиё халқлари жумладан ўзбеклар ҳам чойни севиб истеъмол қиласидилар ва қачондан бошлаб деган савол туғилади. Чой ҳақидаги дастлабки маълумотлардан бири араб савдогари Сулаймон (851) ҳикояларида учрайди. Бироқ шуниси ажабланарлики Шарқда машхур мутафаккир ва табиб Абу Бақр Мұхаммад ибн Закариё ар-Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган “Касалликлар тарихи” китобида 800га яқин касалликлар муолажаси ҳақида маълумот келтирилганига қарамай чой ҳақида бирор жумла учрамайди Ҳакимлик фаолияти давомида минглаб гиёҳ, мева, ичимлик шарбатлардан доривор сифатида фойдаланган Ибн Сино асарларида ҳам чой ўсимлиги ёхуд ичимлиги қаламга олинмаган. Фақат Абу Райхон Берунийнинг “Сайдана” номли асарида чойнинг асл ватани Хитой бўлиб, ўша мамлакатда дори-дармон сифатида қўлланишини баён қилинган. Маҳмуд Қошқарийнинг 11-асрда битилган ноёб маълумотлар жамулжам этилган “Девону луготит турк” ва Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” каби муфассал асарларида ҳам чой ва у билан боғлиқ бўлган удумларга оид иборалар учрамайди. 13-14 асрларда яшаган венециялик сайёҳ Марко Поло Хитойда бир йил истиқомат қилган бўлса ҳам, чой ҳақида ҳеч қандай маълумот ёзиб қолдирмаган, балки у давлат сирини ошкор этмаслик учун шу йўлни тутгандир. Испан сайёҳи Рюи Гонзалес де Клавихо эса 1403 йилда Амир Темур хузурида бўлган вақтида Самарқанддаги Дилкушо боғида ўтказилган меҳмондорчиликда қатнашган Зиёфатда дастурхонга тортилган турли таомлар (пиширилган от, қўй гўшти, ош ва бошқа) ичимликлар (мусаллас, шароб, қимиз) берилганлиги ҳақида ҳикоя қиласар экан, бирой жойда чой ва у билан боғлиқ бўлган буюмни тилга олмайди. Клавихо хитойлик савдогарлар келтирилган моллар номини бирма-бир санаб ўтар экан, улар орасида чой сўзини ишлатган эмас.

Алишер Навоий яшаган даврда эса май, бода, шароб, гулоб, қимиз, айрон, чалоб ва ҳар хил мева шарбатлари истеъмол қилинган. Бирок Навоий қаламига мансуб асарлар ва сўзликларда бирор марта ҳам чой ва у билан боғлиқ бўлган ашёлар номи учрамайди. Ҳиндистон тўғрисида бой тарихий ва географик маълумотлар мужассам топган “Бобирнома асарида ҳам биз излаётган сўз ва атамалар қайд этилмаган. Тўғри, Бобир асарларида пиёла сўзи учрайди. Лекин пиёлада бошқа хил ичимликлар ҳам ичиш мумкин. Бобирнинг умри деярли Ҳиндистонда ўтганлигини ёдга олсак, таажжубимиз янада ошади. Зоро бу мамлакат ҳозирги кунда дунёда чой этишириш бўйича биринчи ўринда туради. Ҳиндистонда чой қачондан бошлаб экила бошланган. Чойшуносликка оид илмий асарларда бу сана 1834 йил деб кўрсатилади. Зоро бу вақтга келиб Ҳиндистон Буюк Британиянинг қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб берадиган базасига айланиб қолганди. Инглиз селекционерлари ёввойи ўсимликларни маданийлаштириш устида катта тадқиқот ишлари олиб боришиди. Ҳиндистонда чой плантацияларининг ташкил этилиши ана шу даврга тўғри келади. 19 асрнинг ўрталаригача Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон ва Хитой билан бўлган савдо алоқалари карвонлар ёрдамида олиб борилганлиги назарда тутилса ўлкамизга келтирилиб турилган чой жуда оз миқдорни ташкил этган бўлиши эҳтимол. Ўлкамизда расмана чойхўрликни бошланиши 19 асрнинг охирларига оидdir деб айтиш мумкин. Зоро бу вақтга келиб Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинган. Марказ ва Туркманистон чўлларидан темир йўл излари қурилиб, четдан келтириладиган моллар кўпайган эди. Шу даврга келиб Россия ҳар йили хориждан 75 миллион килограм миқдорида чой сотиб олгани қолаверса Грузияда ҳам чой плантациялари бунёд этилиб, чой таннархи арzonлашгани назарда тутилса, масала янада ойдинлашади. Деярли бир аср аввал ўлкамиз шаҳар ва қишлоқларининг бозор ва гузарларида бекатларда соя-салқин жойларда катта-кичик чойхоналар пайдо бўлди. Бир пиёла чой атрофида ширин сұхбат, қувноқ қаҳқаҳа, дилни яйратувчи куй ва қўшиқ, латиф шеъру, газал муҳити юзага келди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Узбек когози. Гулистон журнали 2021/2.
2. Когоз тарихидан. Фан ва турмуш журнали 1999/3-4.
3. Интернет сайтлаи.